



Хабар

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

1995 йил, 20 январь №3 (128)

Сотувда эркин нархда

АЛОҚАЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК — ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Илгари хабар берганимиздек, Ўзбекистон алоқачилари касба уюшмасининг II қурултойи бўлиб ўтди. Жумҳуриятдаги алоқа корхоналари ва ташкилотларидан сайланган депутатлар кун тартибига қўйилган масалаларни муҳокама этиб, тегишли қарорлар қабул қилишди.

Тармоқ касба уюшмаси Марказий Қўмитасининг ҳисобот давридаги фаолияти ва унинг бозор муносабатларига ўтми жараёндаги вазифалари хусусида Марказий Қўмита раиси Т. Н. Назаржонова маъруза қилди. Маърузачи шунинг таъкидлашича, 1990 йил август ойида ўтказилган I қурултойдан сўнг Ўзбекистон алоқачилар касба уюшмаси ҳаётида ҳам қатта ўзгаришлар содир бўлди.

Юртимиз мустақиллигини қўлга киритган, муҳим иқтисодий-иқтисомий воқеаларни ўз бошидан кечирмоқда. Бозор муносабатларига бошқича-бошқича ўтилган ҳолда янги жамият барпо этилмоқда. Шу жараёнда касба уюшмасининг тугган ўрни алоҳида бўлаётир. "Касба уюшмалари фаолиятининг қандай ва кафолатлари" хусусида қонуни қабул қилгангани айни мuddо бўлди. Шу асосда жумҳуриятда иқтисомий-иқтисодий жараён тубдан ўзгаришида, янги имкониятлар касба уюшмалари олдига ўтми даврда юзага келаётган муаммоларини янги ҳал этиш вазифасини қўйди. Тармоқ касба уюшмаси ҳам бу борада муайян натижа олиб бориб, ўз фаолиятининг I қурултойида қабул қилган дастур асосида ташкил этди.

Алоқа корхоналарини мазмурияти ва касба уюшмаларини қўмиталарини ҳамкорлигида тармоқда меҳнат ташкил этиш, жамоа шартномаларини тузиш масалаларини ҳал этиб бормоқда. Ягона тариф сеткаси қабул қилинган ҳолда имтиёзлар ва қўшимча ҳақ тўлаш масалаларини атрафлича кўриб чиқилаётир. Шунингдек, алоқа ходимларининг иқтисомий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш муаммоларига атрафлича эътибор берилмоқда. Булар мазмурияти ва касба уюшмаси томонидан тузилган жамоа келишувларига ҳам ўз аксини топган.

Марказий Қўмита Алоқа вазирлиги билан ҳам ана шундай аздномалар тузиб, бу борадаги ўз тавсияларини маҳаллий касба уюшмаларига юбориб турди. Шу бос янги ҳал этиш масаласида етарли тажриба тўпланди. Айниқса алоқачиларга қўшимча иқтисомий имтиёзлар эриштириш, уларнинг ишлаш ва дам олиш шартининг яхшилаш, меҳнат ташкилини узайтириш, моддий ёрдам кўрсатиш, узоқ йил ишлаганларга алоқачи хизматлари учун қўшимча ҳақ тўлаш масалаларида муайян натижа олиб борилди. Кўнглина корхоналар ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ходимларга юқори натижа ҳақи тўлашмоқда. Утган йилнинг декабри ойида тармоқ ходимларига ўртача 535 сўм миқдорига натижа тўланди. Бу жумҳуриятда амалда бўлган энг кам натижа қараганда 5,3 баробар кўпдир. "Ўзбектелеком" концернини бу кўрсаткич 5,9 мартадир. Айрим алоқа корхоналари ва "Ўзбекистон почтаси" концернини бу кўрсаткич афсуслан 4 баробардир. Маърузачи айрим корхоналарда ўтми даврдаги натижа қўйиш ташкил этилаётганини таъкидлаб ўтди. Жиззах, Андижон, Бухоро вилоятларида ойнак маош энг кам натижа қўйиш бор-ўйин 3 баробарини ташкил этади, холос.

Касба уюшмаларини томонидан

меҳнатини ташкил этиш ва техника вафисизлигига қатта эътибор берилмоқда. Ҳисобот даврида 229 корхона тегиштирилиб, 3050 та қанда бузишлар аниқланган. 61 та корхона раҳбарларига меҳнатини муҳофаза этиш тартиблари бузилган учун жарима солинди.

Алоқа ходимлари бахтсиз ҳодисалардан ҳимоя қилинмоқда. Утган йили Тошкент, Наманган, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги алоқа корхоналари ишчи-хизматчиларининг яримдан кўпроги суғурта қилинди. Аммо шунга қарамай бахтсиз ҳодисалар учраб турди. Ҳисобот даврида 54 та ходим бахтсиз ҳодисага учраган. Уларнинг 6 таси вафот этди. Асосан бу ҳол Бухоро, Наманган, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон муҳтор жумҳуриятида содир бўлаётир. Жиззах, Фарғона, Хоразм вилоятларида бу борадаги вазият қониқарли.

Бошлангич ташкилотлар алоқа ходимларининг дам олиш, даволашнинг мунтазам ташкил қилишда, Ҳисобот даврида 8 миңдан ортиқ алоқачи санаторий-профилакторийларда ҳордиқ чиқарди. Почта ва электр алоқаси ходимлари Туркия, Ҳиндистон, Австрия, Россия каби хорижий мамлакатларда бўлиб қайтишди. Шунингдек, Ҳиндистон, Бунга Британия, Германия, Австрия, туркиялик касба уюшма ходимлари юртимизда бўлишди.

Утган даврда касба уюшма ходимларининг фаолияти янада жонланган. Ҳозирги кунда 558 та бошлангич, 178 та цех ташкилотлари, 2375 та гуруҳ ўз атрафига 59717 нафар алоқачини бирлаштирган. Ойнак маош олиб ишлайдиган ходимлар сонин 38 тага қайтарди. Марказий Қўмита ходимлари икки баробар қисқарди. Қурултой атрафисидан касба бошлангич ташкилотларда ҳисобот-санола йиғинлишлари ўтказилиб, 30 фонд касба уюшма жонқурачлари янгилашди. Маъруза йиғинлишларда бирдиритган фикр ва мулоҳазалар келажикда амалга оширишнинг лозим бўлган ишлар режасида ўз аксини топган.

Тафтиш комиссиясининг ҳисобот давридаги фаолияти хусусида маъруза комиссиясининг ўринбосари Р. А. Қамбаров маъруза қилди. Ҳар икки маъруза бўйича қизғин мунозара бўлди. Унда Т. Ю. Раҳматов, А. Айтмуродов, М. Ҳажимов, Л. А. Болотникова, Э. Турдибоев, С. Нурмаатовлар қатнашди. Ўзбекистон касба уюшмаларини федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари К. М. Рафиқов сўзга чиқди.

Қурултойида кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмасининг Низоми ва ҳаракат дастури тасдиқланди. Анжуианда Марказий Қўмитанинг янги таркибни қисми ва тафтиш комиссияси аъзолари ҳамда Ўзбекистон касба уюшмаларининг XV қурултойида делегатлар сайланди. Марказий Қўмита раиси энг яна Т. Н. Назаржонова сайланди.

Қурултойида Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги К. Р. Раҳимов иштирок этди.



Тошкент алоқа коллежыда талабалар замонавий ўқув қуроллари асосида билим олишмоқда.

СУРАТДА: билим даргоҳида электрон ҳисоблаш машиналарини жорий этиш жонқури, коллеж директорининг ўринбосари А. С. Смаршевский ва оператор Елена Зазулина ақли машиналар билан иш юритишляпти.

Сураткаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Воқсалар • Янгиликлар • Хабарлар

• Мамлакатимиз Президентининг Фармонида кўра Украина Республикаси Қурултойи қучларининг ашула ва рақс гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг энцидемияга қарши республика фавақулда комиссияси мажлисида комиссиясининг 1994 йилги иш якуналари кўриб чиқилди.

• Ўзбекистон футбол федерациясининг иднуми бўлиб ўтди. Республика Бош вазирини, мамлакат футбол федерациясининг президенти Абдулхалим Муталов "Ўзбекистон Республикаси футбол федерациясининг 1994 йилги иш фаолияти якуналари ва 1995 йилги вазифалари тўғрисида" маъруза қилди.

• Туркменистонда 15 январьда бошлаб автобензиннинг нархи ўртача 6-8 баравар оширилди. Шунингдек, дизель ёнғилгиси, керосини, манийши ёқилғилар нархи ҳам кўтарилди.

• Қирғизистон миллий банки "Манас" энциемиясининг 1000 йиллигига бағишлаб 1000 та олтин ва 5 миңта қумуш тангалар чикаради. Бу тангалар Лондонда зарб этилиб, Бишкекка келтирилади.

• Қараганда ва Экибастуз қонқилари мuddатсиз иш ташладилар.

• Кейптаунда Россиянинг "Академик Федоров" илмий-экспедицияси қўлга олди.

• Швеция қироли Карл XVI Густав 1994 йил учун 147 миң крон миқдорига солиқ тўлади. Парламент аниқлашчи, унинг йиллик даромади саккиз миллион кронга яқинлашади.

• Покистон Ҳиндистонга Қашмирдаги қурултой қучларини қамқайтиришни таклиф қилди. Бу ҳақда Покистон Бош вазирини Бенназир Бхутто баёнот берди.

• Кабоджа ҳукумати "Қизил кхмерлар"га авф эълон қилди. Утган йили уларнинг 6 миң нафари ҳукумат томонига ўтишгани. Авф мuddати ўтган яқинбада қуни тугади.

• АҚШ жамоатчилиғи Мартин Лютер Кингнинг хотира қунини ўтказишди. Инсон ҳуқуқлари учун курашувчи, Нобель мукофоти совриндори 1964 йили қотил ўқидан ҳалок бўлган эди.

• Утган яқинбадан бошлаб 25 йилдан сўнг Буюк Британия Қурултойи Қучлари Белфаст қўчаларини қундузи ҳам қўрқиларини тўхтатишди. Бу ҳол Шимолий Ирландия масаласини ҳал этишга қўйилган муҳим қадам бўлса ажаб эмас.

ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

"Ўздуробита" Америка Ўзбекистон қўшма корхонаси янги техника ва илғор технология асосида уяли алоқа тармоғини кенгайтирмоқда. Мижозлар билан алоқани янада тезлаштириш ва уларнинг марказий бошқарув тармоғи билан бир зумда боғланиши учун ана бир станция ишга туширилди.

Тошкентнинг Чилонзор туманидаги 74-автоматик телефон станцияси биносининг томида ўрнатилган қўшма корхонага хизмат қиладиган уяли алоқа антенна-си фаолият кўрсата бошлади. Бу мижозларнинг шаҳардаги исталган рақамни тегиштиришга имкон яратди. Энди пойтахтдаги қўшма корхона мижозлари даво орқали бир-бирлари билан тез ва саз боғланиши мумкин.

ИЛТИМОС ҚОНДИРИЛДИ

Ўзбекистон филателистлар жамияти шаклланиш даврини бошидан кечирмоқда. Почта маркалари ва бошқа алоқа хизматлари кўрсатиладиган учун ҳақ тўлаш белгиларини тўловчилар мустақил жамияти сифатида иш қўришга ҳаракат қилишмоқда.

Яқинда бир гуруҳ марка ишқибозлари Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигига муурожаат қилишиб, жамиятнинг фаолият кўрсатиши учун маблағ ва бино ҳамда почта маркалари алмаштириш жойи ажратиш юзасидан ёрдам беришини сўрашди. Уларнинг бу илтимоси ижобий ҳал қилинди. Шақ-шубҳа йўқки, филателистлар тез орада ўз ҳаракатларини янада жонланштириб, мустақил юртимиз почта маркаларини нафақат тарқатиш, балки уни хорижий мамлакатларда ҳам кенг тарғибот қилиш имконига эга бўлишди.

ЯҚИН КЎМАКЧИМИЗ

Жумҳуриятимиз бозор иқтисодига тобора чуқурроқ кириб бораётган бир шароитда ҳисоб-китоб алоҳида аҳамият касб этади. Бу хусусда Урганч почтамтининг бош ҳисобчиси Тўхтажон Бекжоновага бир неча савол билан муурожаат қилдик:

— Тўхтажон опа, айтингчи, олдингига нисбатан иш мазмуни қай даражада ўзгарди?

— Илгарилари биздан фақат иш ҳажми сўраларди. Жумҳуриятимиз мустақилликка эришгач, давлатимизнинг беш тамойили ишлаб чиқилди ва иш ҳажми ўрнига умумий даромад талаб қилинадиган бўлди.

Алоқа боғламамиз даромаддан давлат солиғи тўлаймиз. Биз шу даромаднинг ўсишига ҳарқат қиламиз.

— Ҳозирги иқтисодий шароитда даромад олиш қийин бўлмаётими?

— Даромадимиз асосан нафақа ва ердан пули тарқатиш ҳисобига олинмоқда. Утган йили умумий даромад 101500 сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич янада юқори бўлди.

— Сизларни ҳам қийнаётган муаммолар бордир?

— Утган йилнинг май ойидан бошлаб вилоятдаги Матбуот тарқатиш уюшмаси ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Бу эса бизнинг ишимизга биров таъсир қилди. Бундан ташқари, даромадимиз нафақа ва мадад пули тарқатиш ҳисобига бўлганлиги

боис бу ишни пухта ташкил этишга ҳарқат қилаймиз. Аммо транспорт масаласи тўла ҳал этилмагани туфайли нафақаўрларнинг нафақа пулини ўз вақтида тарқата олмаймиз.

— Келгусида почта алоқасининг истиқболини қандай тасаввур қиласиз?

— Жумҳуриятимизда бу соҳада бир талай хайрли ишлар амалга ошириляпти. Ҳозирги қийинчиликлар вақтинчалик, ўтиб кетади. Мустақил республикамизнинг почта алоқаси келажакда замонавий техникалар асосида бошқарилишига ишонаман.


— Почта алоқаси соҳасида қачондан бери хизмат қиласиз?

— Бу соҳада ҳисобчи бўлиб ишлаётганимга 20 йилдан ошиб кетди. Шу йиллар мобайнида анчагина алоқачилар билан ишлагга тўғри келди. Айни кунда ешларга устозлик қилиб, ўз касбининг сир-асрорларини уларга ўргатаймиз.

— “Хабар” рўномаси ҳақида нима дея оласиз?

— Рўноманинг ҳар бир сонини интиқлик билан кутаман. Икки йилдан буён жамоамиз билан ушбу нашрга эзиламиз. У бизнинг яқин кўмакчимизга айланиб қолган.

Давлат ЖУМАОБОВ,
Алоқа вазирлиги назорат-тафтиш бошқармасининг бош ҳисобчиси



Тошкент радио-телевизион дастурлари узатиш марказида ҳар доим иш қизғин. Бу ерда ўз ишининг усталари меҳнат қилишиб, кунлик радио-телевизион дастурларининг сифатли узатилишини мунтазам назорат қилиб туришади.

СУРАТДА: марказ муҳандислари Улуғбек Қодиров ва Эдуард Авақовлар ускуналарнинг ишлашини кузатишмоқда.

Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

ДОИМО САФДА

Эркин Холиқов 40 йилдирки Тошкент вилоят алоқа корхоналарида самарали фаолият кўрсатиб келади. У меҳнат фаолиятини алоқа бўлимида операторликдан бошлаган эди. Алоқа техникумини тугатгандан сўнг ҳарбий хизматда йигитлик бурчини адо этди. Ундан кейин Ўрта Чирчиқ тумани алоқа туғуни бошлягининг ўринбосари, Қибрай алоқа бўлими бошляги вазифаларида ишлади. 1965 йилдан бошлаб уч йил мобайнида Тўйтепа алоқа туғуни бошқарди. Кейинги 15 йилда Қибрай алоқа туғунига етакчилик қилди.

Шу вазифада у ўзининг ишчан раҳбар, жонкуяр мутахассис эканлигини намоян этди. Унинг бошчиликда алоқа туғуни учун янги бино ишга туширилди. Раҳбарнинг саъй-ҳаракатлари билан туман алоқа тизими янги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Э. Холиқовнинг елиб-югуришлари боис бир катр хўжаликлар телефонлаштирилди. Янги АТСлар фойдаланишга топширилди.

Эркин Эргашевич ҳодимлар билан ишлашини яхши билди. Шу боис меҳнат жамоаси билан тез тил топиша олади. У қаерда ва қайси вазифада меҳнат қилмасин, ҳар бир ҳодим билан самимий муомалада бўлишга ҳарқат қилади. Бу ақлда доимо амал қилгани туфайли ҳар қандай режа ҳам ўз вақтида бажарилади. Айниқса алоқа тармоғини ривожлантириш борасида Э. Ҳодиковнинг хизматлари каттадир. У бу борада тинмай ҳарқат қилди.



А. КУДИНОВ

1982 йилдан бошлаб у 10 йил давомида вилоят алоқа бошқармасига қарашли ишлаб чиқариш лабораториясини бошқарди. Шу даврда унинг раҳбарлигида алоқа корхоналарини механизациялаш, почта ва электр алоқаси ҳодимлари меҳнатини энгиллаштириш учун бир мунча ишлар амалга оширилди.

Айни вақтда меҳнат фахрийси Э. Холиқов пойтахт вилотидаги марказлар оморига мудирлик қилмоқда. У бу вазифада ҳам ҳалол меҳнат қилиб, алоқа корхоналарининг талаб ва эҳтиёжларини ўз вақтида қондирилишига эришини ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шу кунларда пойтахт алоқачилари ўз ҳамкасблари Эркин Холиқовнинг 60 ешга тўлиши билан чин кўнглидан муборахбод этишиб, унга узок умр, сихат-саломатлик тилашмоқда.

ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛМОҒИ ЛОЗИМ

1992 йили алоқа ҳодимларини узлуксиз тайёрлаш ва малака оширишни бошқариш маркази очилган. Унда алоқанинг барча турлари бўйича 1993-1994 йилларга мўлжалланган ўқитиш режалари ва дастурларини ўзбек тилида тайёрлаш режалаштирилди.

Марказ республикамиз Конституциясига ва қонунларига асосланиб Алоқа вазирлигиндаги корхоналар, ташкилотлар ва ўқув юртлирида ҳодимларни ўз касбига ўқитиш умумий раҳбарлигини олиб боради. Шунингдек, марказ ўз низомига асосланиб ҳодимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, Алоқа вазирлигига қарашли ўқув юртлири илмий текшириш илмгоҳларида давлат тилида ўқитиш қандай олиб борилаётганлигини ҳам кузатади.

Оммавий касбларни ўқитиш бўйича махсус бўлим тuzилган. Бу

бўлимнинг биринчи навбатдаги вазифаси барча касбларга ишчи ҳодимларни узлуксиз тайёрлаш ва малакасини ошириш учун режа ҳамда дастурларни ўзбек тилида тайёрлаб беришдан иборат. Бу борада бир қанча ишлар олиб борилди. Ҳозирги кунда бу юмушлар ниҳонсига етай деб қолди. Шулардан почта ҳодимлари учун 3-даражали хат ташувчининг ўқув режаси; 1-2-даражали хат-хабар ташуш касби бўйича малака ошириш режаси ва дастурлари; телефон алоқаси станция ускуналарида ишлайдиган 3,4,5,6-даражали электромонтёрларни касби бўйича тайёрлаш ўқитиш режалари ва дастурлари; симли алоқа ва телеграф ускуналарида ишлайдиган 2-6-даражали электромонтёрларни, яъни жами 19 мутахассислик бўйича ўқитиш режалари ҳозирги замон янгиликлари ҳисобга олин-

ган ҳолда қайта давлат тилида тайёрланди.

Ҳодимларни узлуксиз тайёрлаш маркази ердамида махсус гуруҳларни ўқитиш режаси ва дастури она тилимизда олиб бориляпти. Мутахассислар бўйича назарий ва амалий сабоқлар давлат тилига ўтказилмоқда. Ўқув қўлланмалари ва дарсликларни ҳам ўзбек тилида чоп этишга ҳозирлик қилияпти. Олий маълумотли мутахассислар учун Тошкент электротехника алоқа институтида ўқитиш ташкил этилган. Хуллас, ҳар биримиз она тилимиз мавқеининг юқори бўлиши учун билим ва кучимизни сафарбар этмоғимиз лозим.

Мирқомил УСМОНОВ,
Тошкент алоқа коллежининг методисти

Туркистон алоқа Матбуот кўзгусида

ҚОН СЎЗИ

Ўзбекистон

ПРАВДА

ТОҚАТИ ТОҚ БЎЛДИ

Одамзоднинг қариб қуюлмагани қизик бўлар экан. Новгороддаги ички ишлар бошқармаларидан бирида тўсатдан телефон жиринглаб қолди. Телефон қилаётган одам тумандаги алоқа боғламасини таг-туғи билан портлатиб таш-

ЯНА ҚИММАТЛАШДИ

Москва ҳукумати мажлисида шаҳар телефон станцияси бошляги В. Ф. Васильев АТСларнинг техник ҳолати қониқарсиз эканлиги, уларни жиддий сурьатда янгилаш, янги станциялар қуриш лозимлиги ҳақида гапирди. Бу-

нинг учун катта миқдорда маблағ ажратилиши кераклигига раҳбарларни ишонтиромоқчи бўлди. АТСларни қайта таъмирлашга 540 млн. доллар сарфлаш керак экан.

В. Ф. Васильев яқин орада алоқа хизмати учун тарифлар яна оширилишини маълум қилди. Хонадонлардаги телефон хизмати ҳақлари ойига 2.700 рублга етади. Идоралардаги хизмат телефонларидан фойдаланиш эса бундан ҳам қимматга тушади.

МУСТАҚИЛ ТЕЛЕКЎРСАТУВ

Россия президенти Борис Ельцин “Останкино” давлат телекомпаниясини ҳиссадорлик жамиятига айлантириш ҳақидаги фармонга имзо чекди. У “Останкино” раиси А. Яковлев билан узок му-

лоқотда бўлгандан кейин шундай қарорга келди. Илгари Президент иккита давлат телеканали — Россия ва “Останкино”ни битта ягона давлат компанияга айлантиришни мўлжаллаган эди.

КАСАЛЛИК ЮҚМАЙДИ

Бундан юз йил муқаддам Нью-Йоркдаги шаҳар ҳарбий касалхонасида телефондан фойдаланишнинг антиқа усули топилган экан. Беморлардан хабар олгани келувчиларни қабул қиладиган хонадан ҳар бир юқумли касаллар етадиган қаравотта телефон симлари ўтқизилган. Ташриф буюрнувчилар касаллик юқишини ҳавфсирмай, бемалол беморлар билан мулоқотда бўлишган.

Ш. ЭРГАШЕВ тайёрлаган

Ташвишли мактуб

ДАРДИМИЗНИ КИМ ЭШИТАДИ?

Бугунги кунда хонадонларини радиодиз тасаввур этиш қийин. Афсуски, пойтахтнинг “Жарарик” даҳасида яшовчи аҳоли бундай имкониятдан маҳрум. Биз истиқомат қилаётган 6-уй 1990 йили фойдаланишга топширилган бўлиб, хонадонларга радио нукталари ўрнатилган бўлишига қарамай, ҳамон у асосий тармоққа уланмаган.

Бу ҳақда Тошкент шаҳар радиолаштириш бошқармасига қилган муурожаатларимиз эътиборсиз қолиб келаётир. Бу ишга мутасадди бўлганлар қуруқ ваъдалар билан текланишмоқда. Дардимизни эшитадиганлар борми? Яна кимга муурожаат қилаялик?

Хурматли тахририят, балки бу масалада ердан берарсизлар.

Тошкент шаҳрининг “Жарарик” даҳасидаги бир гуруҳ аҳоли номидан
Салоҳиддин СИРОЖИДИНОВ

**ШОҲМОТ
ХАНГОМАЛАРИ**



Юракка қийин

Америкалик гроссмейстер Ясер Сейрован мусобақалардан бирида шундай деган эди: "Шоҳмот нимаси биландир муҳаббатга ўхшаб кетади. Агар сиз унга энгилтақлик билан қарасангиз, муваффақиятга эриша олмайсиз. Бунинг аксича — жиддийроқ шугуллансангиз, юрагингиз ерилиши мумкин".

Доноликка ўргатади

Машҳур италян математиги, файласуфи ва шифокори Жероламо Кардано (1501-1576) 24 ешида шоҳмот ҳақида асар ёзган. Аммо унинг бу иши бизгача етиб келмаган. Кардано билдирган мулоҳазалардан фақат биттасигиня сақланиб қолган: "Шоҳмот инсонга ўзининг қизиққонлигини жиловлаш, истакларини имкониятлар билан қислашда кўмаклашади — бир сўз билан айтганда, шоҳмот доноликни ўргатади".

Ножўя ишларга вақт қолмайди

Италиянинг XVI аср охири — XVII аср бошларидаги кучли шоҳмот усталаридан бири — Пьетро Каррера "Шоҳмот ўйини" деган китобда (1627) тахта устидаги баҳслардан хайратланганини куйидагича ифодалайди: "Шоҳмот ўйнаган кишида энгил табиятли аёллар билан мулоқотда бўлишга вақт қолмайди".

Машҳур ижарачи

1903 йили Монте-Карлода бўлиб ўтган халқаро мусобақада франциялик полковник Моро ишқибозлар эътиборини жалб этган. Бунга сабаб — у ўзи ўйнаган 26 партиянинг ҳаммасини ютқазган. Газеталар ёқимтой полковника ҳатто мусобақа голиби З. Таррашга қараганда ҳам кўп ўрин беришган. У жойлашган меҳмонхона маъмурияти машҳур ижарачига ниҳоятда кўп совғалар келатганлиги учун алоҳида хона ажратилишга мажбур бўлган. Маҳаллий ҳазилкашлар 26 та тухум 26 та картошка, 26 та олмани Морого тухфа этишди.

Анвар ИНОҚОВ,
шоҳмот бўйича спорт усталиги-
га номзод

Ривоят қилишларича, Андижон қадимда Андижон бўлмади, аслида "Анда жон", "Анда жоним" дегани экан. Ушанда "Анда жон" жуда катта вилоят бўлиб аҳолиси ҳам минг-минглаб экан. Унда ўзбеклар, қирғизлар, хитойлар, турклар, уйғурлар, тожиклар ашар экан.

Андижоннинг еш, бақувват, адолатли, халқпарвар бир подшоши бор экан. Кунлардан бир куни подшо шаҳар айланиб юриб, катта Шаҳрихон сойи бўйида, мажнунтол тагида кўшиқ айтиб ўлтирган гўзал бир қизга кўзи тушиб, уни яхши кўриб қолибди. Хали уйланмаган

экан. Етти кеча-ю етти кундуз тўй-томшалар қилиб, шу қизга уйланибди. Тўйнинг эртасига ев бостириб келаетгани ҳақида хабар келибди. Подшо: "Шаҳарда

**АНДИЖОН ҲАҚИДА
АФСОНА**

туриб евни қутсак бўлмас, эл-юрт, ерим азият чекади. Яхшиси шаҳардан чиқиб, босқинчиларни узокроқ жойда қутиб олсак" деб ўйлабди-да, ҳамма сарбозу лашкар бошиларни шаҳардан ташқарига чиқарибди. Ёв келает-

ган томонга жадал от чоптириб кетибди. Йўлда, шаҳардан узок бир жойда босқинчи душманлар билан тўқнашиб, қаттиқ жангда голиб чиқибди. Афсуски, жанг

охирига етганда бир дайди ўқ келиб уни оғир яралабди. Жароҳат оғирлигидан ҳаёт билан видолашиши фурсати келибди. Подшо ўлими олдида кун чиқар томонни кўрсатиб, васият қилибди: — Мени шу томонга олиб бо-

ринглар. Йўлда ўлиб қолсам ҳам ўша еққа олиб бориб кўминглар. Оғир қайғуга ботган аенлар ниҳоят жузъат қилиб сўрабдилар:

— Нега ундай деяпсиз, шоҳаншоҳ?

— У еқда жон қолди. Анда жон қолди, шаҳарда ерим, жоним қолди, мени ўша ерга кўминглар.

Подшонинг жони узилибди. Уни айтганидай қилиб, хотини қолган бир кунлик жойга олиб бориб, иззат-икром билан кўмишибди. Шу-шу Анда жон — Андижон бўлиб қолган экан.

Пеле вазир бўлди

Жаҳонга машҳур футболчи Пеле Бразилия спорт ишлари вазири бўлди. У бу тақлифни спорт соҳасида ўзига мутлақ эркинлик кафолати берилгандан кейингина қабул қилди. Пеле оммавий спорт турларини ривожлантириш, болалар учун мактаб-интернатлар ташкил этиш тараддудида. Айни чоғда у барча ешдаги ҳаваскор спортчилар иштирокида миллий олимпиада ва мусобақалар ўтказишни ҳам тақлиф қилмоқда. Янги вазир профессионал спортчиларнинг ҳақ-хуқуқларини қатъий туриб ҳимоя қилиш ниятида.

Россия бепоёнми?

Аср бошидан буён Россия худуди 5.337.392,3 квадрат километрга қисқарган. 1881 йилнинг 1 мартдаги маълумотга кўра, Россия империясининг умумий майдони 22.189.368,9 кв.км.га тенг эди. 1906 йилда бу империя яна 245.023,4 кв.км.га кенгайди. 1994 йилнинг 1 январигача бўлган маълумотга биноан Россиянинг ери анча қисқариб, 17.097.000 кв.км.ни

ташқил этган. Айни чоғда Москва шаҳри тобора "семириб" бормоқда. Бу улкан пойтахт ҳар йили бир кв.км.га кенгаймоқда.

**Машҳурлар
сулоласи**

Машҳур хоккейчи Павел Буренинг отаси — Владимир сузисч бўйича донг чиқарган спортчи

АЖАБ ДУНЕ

бўлган. У 1968 ва 1972 йиллардаги Олимпиада совриндори, эркин сузисч бўйича Европа чемпиони эди. Москвада яшаётган Тимошинлар оиласида чемпионларнинг уч авлоди яшайди. Оиланинг тўнғичи — Иван академик эшқак эзишч бўйича беш қарра СССР чемпиони, унинг ўғли Александр эса спортнинг шу турида икки қарра олимпиада чемпиони, невараси Владимир сувга сакраш бўйича Европа чемпиони, Иван деган яна бошқа невараси ешлар ўртасида эшқак эзишч бўйича мамлакат чемпиони бўлишган. Ҳозир марказий армия спорт

клуби хоккей командасида машҳур хоккейчи, беш қарра жаҳон ва олимпиада чемпиони Валерий Харламовнинг ўғли Александр Харламов хоккей ўйнамоқда.

Чув тушиб қолманг

Россия савдо инспекцияси бош бошқармасидан маълум қилишларича, спиртли ичимликларнинг деярли барча турлари орасида қалбаки тайерланганлари учрайди. Утган йили сохта коньяк тайерловчилар айниса кўпроқ бўлган. Спиртли ичимликларнинг 41 фоизи қалбаки еки сифати пастдир. Вино еки шампан ичимликларининг ҳар учта шишасидан биттаси талабга жавоб бермайди. Ароқ-ликер маҳсулотларининг 30 фоизи ҳам юқоридагидай яроқсиздир.

Сифатсиз ичимликлар тайерлаш тобора кўпайиб бормоқда. Қалбаки ичимликларни фақат мутахассисларгина аниқлай олади. Ароқ, вино, коньяк сотиб олганда шишанинг тагида куйка, тепасида эса гўбур-парда бор-йўқлигига эътибор бериш.

ХАНДАЛАР

— Дада, нега сизнинг автомобилдингиз йўқ?

— Уни сотиб олишга менда пул йўқ. Агар сен мактабда яхши ўқисанг, эҳтимол катта бўлаганигда автомобил сотиб оларсан.

— Дада, демак сиз мактабда жуда емон ўқиган экансизда...

— Алло, бу "тез ердан" ми? Илтимос, шу кўнларда уйимизнинг енидан ўтиб қолсанлар бирров бизниқига ҳам кириб ўтинглар. Атай келишилар шарт эмас.

— Қизик, нега энди бундай дейсиз? Тинчликми ўзи?

— Хотинимнинг жағи чиқиб кетди, гапиролмапти...

— Автобусда бир киши ҳинво бўлиб деди: — Ҳозирги ешлар жудаям бетамиз бўлиб кетганда...

— Нега норози бўляпсиз? Утирибсиз-ку ўриндиқда жаза қилиб.

— Мен-ку ўтирибман-а, лекин бежор хотинимга ҳеч ким жой бермапти-ку!

— Тасаввур қиламан, бир ҳафта кўринмай кетганида қаланга жуда емон ўйлар келиб, қўрққандирсан? — деб сўради хотин эридан.

— Албатта, — дея жавоб қайтарди эр, — қайтиб келарсан деб жуда ҳам кўрқдим.

Бир тантиқ қиз дугонасига дейди:

— Ўйлай-ўйлай ахйри аскарга турмушга чиқишга қарор қилдим. Нега дейсанми? Аскар тумасини ўзи қадайдди, пайпоғини ўзи ямайдди, кир ювишу овқат қилишни ҳам ўзи бежалол уддалайди. Энг мўҳими — гап қайтармай, айтганингни қилади.



Санъат сеҳри.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ

Мирпўлат МИРЗО

Ислом УСМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Тоҳир РАҲИМОВ
Ёқубжон

ҲўЖАМБЕРДИ
Бобоҳон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:

Бўриной АҲМЕДОВ
Билол АМИНОВ

Саидмахмуд АҚБАРОВ
Шоҳруҳ АҚБАРОВ

Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.

ТЕЛЕФОНИМИЗ: 32-36-42, 32-35-29, 44-29-09. **ИНДЕКС:** 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мухарририятга келган қўлезмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар эътимасқадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0036. 13825 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок.

ЎЗБЕКИСТОН **РЕСПУБЛИКАСИ** "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА КӨНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.

Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ДУШАНБА, 23

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кўнрок рақсга тушади". Мультифильм.
18.20 "Тараққёт".
18.55 Ўзлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ўзлонлар.
19.25 Долзарб мавзу.
19.35 Дилором Қасимова куйлайди.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Ўзлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 Ўзбекистон халқ артисти Шариф Қасимов таваллудининг 90 йиллигига. "Парвона". Ҳамза номидagi Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
23.25 — 00.30 Футбол. Қўталараро чемпионлар турнири. Мексика — Дания.

ЎзТВ II

18.30 Болалар учун фильм. "Аёз бо-бо".
"Тошкент" студияси таништиради:
19.50 "Кўзумуноқ".
20.20 "Илаган нимкон топади".
20.50 Шинфокор маҳлақати.
21.15 — 23.40 "Қасос". Бадний фильм. 1—2-сериялар.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Ешлик" студияси кўрсатади. "Ғазалхон ёшлиғи".

"ОМАД" таништиради:

20.35 "Совга".
21.05 "4/8". Мусикий кўрсатуви.
21.25 Ўзлонлар.
21.30 Видео — "О".
23.05 Ўзлонлар.
23.10 "Курьер".
23.30 "... яна об-ҳаво ҳақида".
23.40 — 23.50 "Постфактум".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Лабиринт". Чернобыль фожияси тақрирнамаси.
18.30 "50 йил муқаддам ушбу кунларда".
18.50 Янгликлар.
19.00 "Тигиз пай".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика).
19.55 "Шоҳона гап-гаштаклар". Э. Ра-зановнинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 Дмитрий Якубовский билан иш-чан мулоқот. "Ёзинг уч лаҳзаси". 1-фильм.
22.25 "Спорт уик-энди".
22.40 — 23.35 А. П. Чехов. "Катта йўлда". Тагарлот драма театрининг фильм-спектакли.

СЕШАНБА, 24

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 "Мовий тоғлар ёки ҳақиқатдан узок воқеа". Бадний фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Немис тили.
11.20 "Беллашув". Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.40 "Ешлик" студияси. "Фахрийлар — фахримиз".
12.50 — 14.50 "Нурли келажак". Видео-канал.

ЎзТВ II

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Кўнгироқча".
18.40 Мусикий дақиқалар.
18.55 Ўзлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ўзлонлар.
19.25 Бевосита мулоқот.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Ўзлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Мозийга бир назар".
21.35 Эcran таништиради: "Хуррият Исроилова куйлайди" фильми ҳақида.
22.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. "Генерал Раҳимов". Бадний фильм.
23.35 "Ўзбекистон" ахбороти.
24.00 — 00.50 Футбол. Қўталараро чемпионлар турнири. Аргентина — Нигерия.

ЎзТВ III

18.30 "Мультифейерверк".

"ОМАД" таништиради:

18.30 "Мультифейерверк".

19.15 "Хусусийлаштириш: қадам-бақаддам".
19.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
20.00 "Видеогад".
20.20 "Теле-ателье-шоу".
20.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
21.15 — 23.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Ешлар ва замон".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.25 — "Уорлдвиз" телекомпанияси-нинг янгликлар.
20.45 "Дурдаршн" телекомпанияси-нинг кўрсатувлари.
21.45 "Би-Би-Си" янгликлар.
22.00 "Уммондан томи".
22.35 — 23.20 "Безиен мнрас" (татар тилида).

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "Кўҳна майдон сирлари".
18.30 "СБ" жумбоғи.
18.40 "Ҳужжатлар ва тақдирлар".
18.50 Янгликлар.
19.00 "Тигиз пай".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 Мавзу.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Илк мабадан".
21.50 — 22.30 Дмитрий Якубовский билан ишчан мулоқот. "Ёзинг уч лаҳзаси". 2-фильм.

ЧОРШАНБА, 25

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 "Ҳаёлпарастлар". Бадний фильм.
10.05 Бир актёр театри. Рама Божонов. "Ҳиндистон онаси".
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 "Ешлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб".
11.30 Янги алифбони ўрганамиз.
12.00 "Омонёр".
12.15 Бокс бўлича Ўзбекистон чемпио-нати.
12.55 — 14.55 "Биз танлаган йўл". Ви-деоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ислохот ва муаммо".
18.30 "Санъат усталари". Халқ артисти Бернора Корнева.
18.55 Ўзлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ўзлонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.35 "Хотира". Менгизё Сафаров.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Ўзлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 Ўзбекистон телевидениесидан ви-деот студияларнинг кўрсатувлари.
"Экранда — Бухоро вилояти".
21.40 "Тановар" миллий рақс ансамб-лининг концерти.
22.10 Футбол. Қўталараро чемпио-нлар турнири. Финнал.
23.50 — 00.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

18.30 Болалар учун фильм. "Поезд "Болалик" станциясидан жўнайди". 1-серия.
"Тошкент" студияси таништиради:
19.35 "Дарсга кўнгирик".
20.20 "Бизнес-банк".
20.35 "Едингдами, дўстим...".
20.50 "Оқ соя".
21.30 "Тошкент оқшомида".
22.30 — 00.10 "Одамлар, нисонинг менга". Бадний фильм.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадний фильм.
20.45 — 23.45 "ОМАД" таништиради. "Спорт қитъаси".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси.
18.45 "Ким аспида ким?" XX аср. А. Скрябин.
18.50 Янгликлар.
19.00 "Тигиз пай".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Кинопанорама".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Монолот".

21.50 — 22.35 Дмитрий Якубовский билан ишчан мулоқот. "Ёзинг уч лаҳзаси". 3-фильм.

ПАЙШАНБА, 26

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 "Ғариб чоллар". Бадний фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биоло-гия.
11.00 "Мирин номли мактабда".
11.30 "Хуқуқингизни биласизми?".
11.50 "Ешлик" студияси. "Онанинг ўғитлари".
12.20 "Таълим ва ислохот".
12.50 "Ешлар ижоди". Концерт.
13.20 "Она ўлкамиз". Кинодастур.
14.00 — 14.20 "Ислохот одимлари".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ешлик" студияси. "Гул ва курул...".
18.35 "Юракларнинг армони битта...". Салоҳиддин Азизов куйлайди.
18.55 Ўзлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ўзлонлар.
19.25 "Навоийхолик". Адабий кўрсатуви.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Ўзлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 Телетомошабинларнинг талаб-ларига биноан. "Кўшкларда умрим мазмуни". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фахриддин Умаров куйлайди.
21.55 "Шаҳар таронаси". Бадний фильм.
23.30 — 23.55 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Жознба".
18.55 "Ишингиз бароридан келсин!"
19.10 Муҳаббатга ошно қалблар.
19.30 "Бир шингил ҳангома".
19.40 "Теле-ателье-шоу".
19.50 Видео янгликлар.
20.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
21.00 — 22.45 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Юнон ва ижро".
20.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадний фильм.
"ОМАД" таништиради:
18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Жознба".
18.55 "Ишингиз бароридан келсин!"
19.10 Муҳаббатга ошно қалблар.
19.30 "Бир шингил ҳангома".
19.40 "Теле-ателье-шоу".
19.50 Видео янгликлар.
20.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
21.00 — 22.45 "Кинонигоҳ".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

21.15 "Синон даври". Видеоканал.
22.15 "Уорлдвиз" телекомпанияси-нинг янгликлар.
22.35 — 23.35 Ҳиндистоннинг миллий байрам — Республика кунига "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "...16 ёшгача ва ундан катталар".
18.30 "Бу бўлган, бўлганди..." Вадим Козин.
19.55 Янгликлар.
19.00 "Тигиз пай".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Александр Михайловичнинг дўстлари ва йиллари".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 — 22.00 "Москва, Кремль".

ЖУМА, 27

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 "Тақдир азал". Бадний фильм.
10.05 "Ешлик билан олма-юз".
10.30 Ўқув кўрсатуви. География.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.30 "Компьютер — шоу".
12.30 "Созимда севги васфи". Кон-церт.
13.00 — 13.15 "Халқ фаровонлиги йўлида".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультифильм.
18.30 "Ислохот мевалари".
18.55 Ўзлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ўзлонлар.
19.25 "Мамлакатлар, воқеалар, одам-лар...".
19.45 "Санъат дўстлика чорлайди". "Сумалак" ансамбли Францияда.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Ўзлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 "Мазрифатнома".

21.30 Мумтоз куйлардан концерт.
22.10 "Кино усталари". Халқ артисти Ёқуб Аҳмедов.
22.55 "Ўзбекистон" ахбороти.
23.20 — 00.45 "Қишдан қишгача". Ба-дний фильм.

ЎзТВ II

18.30 Болалар учун фильм. "Поезд "Болалик" станциясидан жўнайди". 2-серия.
"Тошкент" студияси таништиради:
19.35 "Учқун".
20.05 "Билиб кўйган яхши".
20.25 "02" тўлқинида.
20.50 "Янги йил саргузашлари" (так-рор.).
21.30 — 24.00 "Демидовлар". Бадний фильм. 1—2-сериялар.
ЎзТВ III
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадний фильм.
"ОМАД" таништиради:
20.45 "Панорама".
21.15 "Эм-Ти-Ви"дан мусиқалар ва Ўзлонлар.
21.35 "Даракчи".
21.55 Ўзлонлар.
21.55 — 23.25 Видео — "О".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "Инсон ва қону".
18.30 "50 йил муқаддам ушбу кунлар-да".
18.50 Янгликлар.
19.30 "Мўъжизалар майдон".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Хафтаининг машҳур киши".
22.00 — 23.10 "Телективлар клу-би"да. "Гуруҳ". Телесериал (Фран-ция). 3-серия.
ШАНБА, 28

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 "Турфа ҳангомалар".
9.45 "Одамлар орасидаги бўри бола-си". Бадний фильм.
11.05 "Ижодкор портретга чиқтилар". Сандботир Аҳмадхўжаев.
11.35 Камер куйларидан концерт.
12.05 "Ўзбекистон бастакорлари". Со-бир Сафаров кўшиқлари.
12.45 — 14.45 "Мазнавиз" видеокана-ли.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультифильм.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. "Дил-дан куйлаб, ўйна куйнаб...".
18.40 "Ердаги излар". Ҳужжатли фильм.
18.55 Ўзлонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Ўзлонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.35 Ўзбекистон Давлат телерадио-компанияси эстрада-симфоник орке-стрининг яқкасон Гулбаҳор Сулаймо-нова куйлайди.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Ўзлонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Ўзлонлар.
21.00 Д. Д. Д. ва бошқалар. Спорт тележурнали.
22.00 "Офарин-94". Замонавий узбек эстрада санъати талови гониллари.
"Туркистон" саройидан ёзб оллинг.
23.00 "Тунги ёғду". Дам олиш кинода-стур.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мультифейерверк".
9.45 "Хусусийлаштириш: қадам-бақаддам".
10.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
10.30 "Видеогад".
10.50 "Теле-ателье-шоу".
11.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
11.45 "Кинонигоҳ".
13.30 "Омад" тақвими.
13.35 "Жознба".
13.55 "Ишингиз бароридан келсин!"
14.10 Муҳаббатга ошно қалблар.
14.30 "Бир шингил ҳангома".
14.40 "Теле-ателье-шоу".
14.50 Видео янгликлар.
15.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўзлонлар.
16.00 — 17.45 "Кинонигоҳ".

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 — 22.05 "Спорт-тайм" видеока-нали:
— "Соккер-клуб".
— "Лидер".

— "Арт-спорт".
— "Юниор".
— "Кинематограф".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 "Ўзбекистон — қадрдон уйимиз". Рус маданият маркази.
10.40 "Турстик маршрутларда".
11.10 — 11.50 "Тадқиқотлар ва кашфи-ётлар".

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 "Мультикарусель".
19.55 Эстрада калейдоскопи.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
20.35 "Наҳон бир ҳафта ичйда".
21.00 "Шару шакар".
21.45 "Би-Би-Си" янгликлар.
22.00 "Наҳон бозори".
22.40 "Ғалаба дастхатлари".
23.10 — 23.30 "Бу ажиб дунё".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
17.45 "Ушангача ва ундан сўнг".
18.35 "Дам кайтган пичоқ". Бадний фильм (АҚШ). "Колумбия пичкерс".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.45 "Кулги панорамаси". Кўрсатуви Е. Петросян оlib боради.
22.25 Евгений Светланов. "Ҳаёт пар-тиураси".
23.20 — 23.50 "Магик-шоу".

ЯКШАНБА, 29

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 "Кайта тергов". Бадний фильм.
10.00 "Ешлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 Кино таҳририят вочасидан.
11.20 "Халқ жиддиёти".
11.50 "Сирли сандиқ". Телеййни.
12.50 "Актёрлар ва роллар". Ўзбекистон халқ артисти Мадрайнм Бобожонов.
13.35 — 15.35 "Санъат сэхри". Видео-канал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 Болалар учун. "Эртақлар — ах-шиликка етаклар".
18.30 Футбол майдонларида.
18.55 Ўзлонлар.
19.00 "Хафтанома" (рус тилида).
19.30 Ўзлонлар.
19.55 "Ойнак жаҳонда...".
20.25 Дам олиш концерти.
20.30 "Хафтанома".
21.00 Ўзлонлар.
21.05 "Бобби". Бадний фильм (Ҳинди-стон). 1—2-сериялар.
23.40 — 00.10 "Хафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
17.00 "Совга".
17.30 "Сирли олам".
17.40 "4/8". Мусикий кўрсатуви.
18.10 Ўзлонлар.
18.15 Видео — "О".
18.55 Ўзлонлар.
20.00 "Курьер".
20.20 "... яна об-ҳаво ҳақида".
20.30 "Камалат".
20.40 "Постфактум".
20.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
21.20 Ўзлонлар.
21.25 "Даракчи".
21.40 "Салом, ешлар!"
22.20 Ўзлонлар.
22.25 — 00.05 Видео — "О".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 "Абадият ва гўзаллик ҳақида". Уяғончи давр.
10.30 "Ташрифлар ва тақлиқлар".
10.50 "Қалбим кўри".
11.30 — 12.00 "Подкум".

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Дурдаршн" телекомпанияси-нинг кўрсатувлари.
20.40 "Наҳон бир ҳафта ичйда".
21.05 "Интерпартнер".
21.35 "Би-Би-Си" янгликлар.
21.50 "Копумб кашф этган днёр". Америкада фермер ҳўжаликлар.
22.35 "Мюзик-холл".
23.05 — 23.25 "Бу ажиб дунё".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 Янгликлар (сурдо таржимаси билан).
18.10 "Воронеж қизлари" куйлайди.
18.50 "Уюли қаерда?". "Питер Пуш". Мультифильм (АҚШ).
19.55 "Бутун Россия".
20.20 "Хайрия зинфати". Бадний фильм ("Экран").
22.00 — 22.50 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви.

"Тошкентдан гапиримиз ва кўрсатамиз" теледастуридан олинди.